



ХАЛҚ ИШОНЧИ ЯНАДА ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАШГА РУХЛАНТИРМОҚДА



Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, кенг қўлланган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 10-11 март кунлари Бухоро вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташифнинг биринчи кунда вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар билан танишди. Қишлоқ ҳўжалиги, енгил саноат ва энергетика, транспорт-коммуникация, тиббиёт ва туризм соҳаларидаги лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш масалаларига бағишланган йиғилиш танқидий-тахлилий руҳда ўтди.

Ушбу тадбирларда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харақатлар стратегиясини ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастуридаги мақсад-вазифалар ўз ифодасини топди.

Ташифнинг иккинчи кунги Президентимиз Шавкат Мирзиёев Республика шойилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалида бўлиб, бу ерда баҳариланган қурилиш-таъмирлаш ишларини кўздан кечирди.

Президентимиз раҳнамоллигида соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислох этилмоқда. Касалликларни профилактика қилиш ва самарали даволаш мақсадида тиббиётнинг барча бўғинлари фаолияти такомиллаштирилмоқда, жойларда янги замонавий шифохоналар ташкил этилмоқда.

Республика шойилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йил 10 ноябрдаги фармони асосида Бухоро шаҳар касалхонаси неғизда ташкил этилган бўлиб, 255 ўринга эга.

Ушбу муассаса биносини жаҳон стандартларига мос таъмирлаш, бўлимларни замонавий тиббий технологиялар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, янги қабулхона, реанимация, компьютер-томография, операция хоналари қуриш мўлжалланган. Янги тез тиббий ёрдам машиналари олиб келинади.

Тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини юксалтириш халқимизни рози қилишда муҳим аҳамиятга эга, деди давлатимиз раҳбари. Шойилинч тиббий ёрдам тизимини дунё талаблари даражасига олиб чиқиш, унинг самарали фаолияти юритилишини таъминлаш аҳолининг ҳам, бугунги замоннинг ҳам талабидир.

Мутахассислар Президентимизга Республика иختисослаштирилган урология марказининг Бухоро филиалида амалга оширилаётган таъмирлаш ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Мазкур муассасада эндоурология операциялар, масофавий литотриптология, ультратовуш ва рентген текшируви хоналари, уродинамик лаборатория қурилади, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланади.

Бухоро давлат тиббиёт институтининг янги ўқув биноси ва клиникаси қурилиш кўзда тутилган. Юқори малакали шифокор кадрлар тайёрлаш замонавий моддий-техник база ва жаҳон андозлари даражасидаги биноларга эга бўлган олий ўқув юрти фаолиятига бевосита боғлиқ. Бухоро давлат тиббиёт институти учун 900 ўринга мўлжалланган янги ўқув биноси, 200 ўринли таркибий-функционал бўлимлардан иборат клиника қурилиши ва уларнинг замон талабларига мос жиҳозланиши шу нукта назардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда.

Соҳада етук мутахассисларни тарбиялашда дунё таърибасидан фойдаланиш, хориждаги етакчи олий таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Президентимиз Вобкент тумани тиббиёт бирлашмасида амалга оширилаётган қурилиш-

таъмирлаш ишлари лойиҳасини кўздан кечирди. Кейинги йилларда туман тиббиёт бирлашмасида қатор қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган. 2014 йилда 250 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли марказий поликлиника қурилган. 2015 йилда ҳар бири 30 ўринли бўлган шойилинч тиббий ёрдам ва хирургия бўлимлари биноси барпо этилган. 2016 йилда туғруқ комплекси, болалар ва юқумли касалликлар бўлимлари капитал таъмирланган.

Жорий йилда бу борадаги ишларни давом эттириб, терапия, қон қуйиш, лаборатория бўлимларини капитал таъмирлаш, дорихона ва бошқа биноларни қуриш режалаштирилган. Бу беморларга тез ва сифатли ёрдам кўрсатиш, тиббий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштиришда аҳолининг талабини ҳисобга олиш, тиббий жиҳозлардан унумли фойдаланиш, малакали кадрларни ишга жалб этиш, касалликларни самарали даволаш билан бирга уларни профилактика қилиш бўйича зарур топшириқлар берди.

Истиқлол йилларида Бухоро вилоятида кенг қўлланган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Янги уй-жойлар, маданий-маиший объектлар, йўл ва кўприклар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, маданият ва спорт мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу борадаги ишлар бугун ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Бухоро шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари лойиҳалари ҳақида маълумот берилди. Бухоронинг марказий кўчаларидан бирига Биринчи Президентимиз Ислам Каримов номи берилди. Ушбу кўча қиёфасини ўзгартириш, унинг икки томонида замонавий бинолар барпо этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган. Унга кўра, кўчада Хотира майдони, Санъат саройи, турар жой бинолари ва бошқа объектлар барпо этиш режалаштирилган.

Ислам Каримов ва Ибн Сино кўчалари кесишган жойда Универсал спорт мажмуаси бунёд этилади. Президентимиз ушбу мажмуа лойиҳасини кўздан кечирди.

2018 йилда фойдаланишга топширилаётган мажмуада 15 спорт тури бўйича мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги мусобақаларни ўтказиш учун барча имкониятлар яратилади. Ўтдан 4 минг томошабинга мўлжалланган зал, учта машғулотлар зали, тўртта теннис корти, бас-сейн ўрин олади. Мажмуа спортчиларни тайёрлаш, мураббийлар малакасини ошириш, спорт методикаси бўйича намунавий марказ бўлади. Бундан ташқари, мажмуада байрам тадбирлари, концерт ва форумлар ташкил этиш учун қўлайликлар яратиш режалаштирилган.

Бухорода спортнинг бокс, кураш каби турлари ривожланган. Келажакда ушбу спорт мажмуаси вилоятда бошқа йўналишлар бўйича ҳам Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсини юксалтиришга қодир етук спортчиларни тайёрлашга хизмат қилсин, деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев. Мажмуада очик ва ёпиқ спорт майдонлари қуриш лозим. Вилоятдаги спорт иншоотларини инвентаризация қилиш, уларни муайян спорт турига иختисослаштириш ва оммавийлигини ошириш, вилоятда спорт мураббийлари тайёрлашни янада кенгайтириш керак.

Бухоро шаҳрининг Ғиждувон, Баҳоруддин Нақшбанд, Ибн Сино, Навоий кўчаларида кўп қаватли 50 уй қурилади. 2017-2018 йилларда барпо этиладиган бу турар жойлар аҳолини арзон ва замонавий ўйлар билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Етти қаватли олтига замонавий арзон

уй мустақиллигимизнинг 26 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

Давлатимиз раҳбари янги ўйларда барча ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, уларни қуришда миллий ва замонавий архитектура талабларини, маҳаллий иқлимни ҳисобга олган ҳолда иш тутиш зарурлигини таъкидлади.

Бухоро шаҳрида транспорт воситалари ва пиедалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар режаси ҳам муҳокама этилди. Ушбу лойиҳага мувофиқ шаҳардаги халқ йўлларини такомиллаштириш, туманлардан вилоят марказига келувчи йўлларни, жумладан, айланма чорраҳаларни тартибга солиш мўлжалланмоқда.

Йўлларни сифатли қуриш, транспорт воситаларининг эркин ҳаракатланишини ҳисобга олиш бўйича тавсиялар берилди. Йўллар атрофини қўламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштиришга оид лойиҳа тақдироти ҳам ўтказилди. Мазкур лойиҳа атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳудуддаги санитария ҳолатини янада яхшилаш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади. Умумий қиймати 4 миллион 700 минг АҚШ доллари бўлган ушбу лойиҳа «Аҳолитранс» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётди. Бугунги кунда Миллий банкнинг 970 минг долларлик кредити эвазига Хитойдан замонавий техника ва чиқинди саралаш линияси олиб келинди. Яна олтига линияни сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш мўлжалланмоқда.

Президентимиз маиший чиқиндиларни қайта ишлаш экологик муаммоларнинг олдини олиш ва ҳудудларнинг иқтисодий самарадорлигига эришишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Бухорода тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар кўп. Улар замон талаблари асосида таъмирланиб, сайёҳлар учун зарур шароитлар яратилаётгани натижасида вилоятда туризм ривожланиб бораётди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада янада кенг имкониятлар яратмоқда.

Шавкат Мирзиёев шаҳарнинг тарихий қисмида аянавий ҳунармандлик устоналарини жамлаган икки қаватли ўйлардан иборат ҳунармандлар мавзеси қуриш лойиҳаси билан танишди.

Бухоро — ҳайрат ва мўъжизалар макони. Ёдгорликлар халқимиз билан тақдирдош. Мустақиллик йилларида ушбу обидалар таъмирланди, яна асл қиёфасида жамол очди.

Икки томонда ҳунармандлик дўконлари жойлашган йўлак бўйлаб борар экан, Президентимиз мазкур йўлакларни кенгайтиришни, дўконларни икки қаватли қилиб қайта қуриш лозимлигини таъкидлади. Ҳунармандлар билан суҳбатлашди.

Иккинчи қаватда ҳунарманд усталар яшаса, биринчи қаватда уларнинг дўкон ва устоналари жойлаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деди давлатимиз раҳбари. Бу ерда маҳсулотларни тайёрлаш ва сотиш жараёни уйғунлаштирилиши керак. Рўбоб ясаётган устани, гилам ёки газлама тўқийтган ҳунармандни иш устида кўрган ҳар қандай одам завқланади.

Истиқлол йилларида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида миллий ва маънавий кадрятларимизни, тарихий обидаларни тиклаш, уларни асраб-авайлаш борасида кенг қўлланган ишлар амалга оширилди. 1997 йил Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан Пойи Калон мажмуаси ҳам тубдан таъмирланди. Масжиди Калон, Минораи Калон ва Мир Араб мадрасасидан иборат мазкур меъморий ансамбль вилоят аҳолиси ва меҳмонларининг сеvimли масканларидан биридир.

Давлатимиз раҳбари юрдошларимиз ва хорижий сайёҳларга яроқлилик яратиш мақсадида ҳунармандлик расталари, дўконлар ўрнига миллий аяналаримиз акс этган, замонавий расталар қуриш, ташиф буюрғанларга кечки сайр имкониятини яратиш, миллий ҳунармандлик аяналари ва кўнгилочлар дастурлар намойиш қилиш бўйича тавсияларини билдирди. Масжиди Калон ва Мир Араб мадрасаларини қайта таъмирлаш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилоятидаги Халқ қабулхонасида ҳам бўлди.

Бугун Бухоро вилояти илгари мисли кўрилмаган катта ўзгаришлар, юксалишлар жараёни билан яшамокда. Буларнинг барчаси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг халқимизга ҳеч қандам кам бўлмаган фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги эзгу сазй-ҳаракатларининг амалий ифодасидир.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА ГЕРМАНИЯ КАНЦЛЕРИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Ангела Меркель Ўзбекистон Республикаси ва ГФР ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан табрик йўллаган.

ГФР канцлерининг қутловида бундай дейилади: «Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлди. Ўтган вақт давомида ўзаро ҳамкорлигимиз турли соҳаларда изчил ривожланиб бормокда. Германия билан Ўзбекистон иқтисодиёт, хавфсизлик ва маданият соҳаларида, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасида ишончли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Германия Федерал ҳукумати Ўзбекистон Республикасини парламент ваколатларини кенгайтириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ҳуқуқий тизимни ислох қилишга қаратилган 2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантириш бўйича Харақатлар стратегиясини амалга оширишда ҳамкор сифатида қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, минтақа давлатлари билан ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари сифатида Сиз белгилаб берган дўстона ва яқин қўшничилик муносабатларини янада ривожлантиришни Германия қўллаб-қувватлашни таъкидламоқчиман.

Давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ва унинг халқига тинчлик, эркин ва фаровон ҳаёт, мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги янада кенгайишини тилайман».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қутловида бундай дейилади: «Мамлакатларимиз ўртасидаги мустақам асосга эга бўлган, изчиллик ва ўзаро ишонч руҳидаги яқин ҳамкорлик энг юксак дебторофа лойиқдир. Биз Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бошлаб

мустақил тараққиётимиз ва суверенитетимизни Германия қатъий қўллаб-қувватлаб, кенг қўлланган демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда амалий ёрдам кўрсатиб келаяётганини юксак қадрлаймиз».

Давлатимиз раҳбари қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган: «Бугунги кунда Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар, Савдо ва инвестициялар бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳ, Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгаши, Ўзбекистондаги немислар масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссия каби институционал механизмлар ташкил этилган ва самарали фаолият кўрсатмоқда, 140 дан ортиқ битимдан иборат кенг қамровли шартномавий-ҳуқуқий база шакллантирилган».

Қутловда гуманитар алоқалар ҳам фаол ривожланаётгани мамнуният билан қайд этилган. Бугун Ўзбекистонда Гёте институти, К.Аденауэр ва Ф.Эберт номидаги жағғармалар, Хориждаги мактаблар марказий бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ваколатхоналари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентини «Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва томонларнинг манфаатлари инobatта олинган принципларга асосланган икки ва кўп томонлама ҳамкорлигини мустақамлаш борасидаги сазй-ҳаракатларимизни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш зарур», деб ишонч билдирган.

ЎЗА

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЁТ МАРКАЗЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, фуқароларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишларини таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Мазкур масаланинг муҳимлиги ва долзарблигини ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари соғлиқни сақлаш тизими ҳолатини, хусусан, иختисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини сифат жиҳатидан яхшилаш устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш жараёнига фаол киришди.

2017 йилнинг 13 март куни Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар акадмик В.Вохидов номидатга Республика иختисослаштирилган хирургия ва Республика иختисослаштирилган урология марказларининг фаолиятини муҳокама қилди.

Таъкидлаш лозим, йиғилишдан аввал парламент аъзолари жойларда ҳақиқий ҳолатни чуқур ўрганди. Депутатлар юқорида кўрсатилган тиббиёт муассасалари фаолиятининг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ келиши, хусусан, фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқининг амалга оширилишини таҳлил қилди.

Депутатлар ўз чиқишларида тиббиёт муассасалари томонидан қонун ҳужжатлари талаблари етарли даражада ижро этилмаётганлиги, Президентимиз томонидан белгиланган вазифалар суст бажарилаётганлиги каби қатор масалаларга эътибор қаратди. Ушбу соҳада фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва

манфаатларини таъминлаш, тиббий хизматларнинг қимматлиги ҳамда ҳудудларда муассасалар филиалларининг мавжуд эмаслиги боис хизматлардан фойдаланиш имкони йўқлиги билан боғлиқ бир қатор масалалар кўтарилди. Ҳар бир иختисослаштирилган тиббиёт маркази республикамиз ҳудудларида ўз филиалларини ривожлантиришга доир дастурларга эга бўлиши, жаҳон миқёсидаги етакчи тиббиёт марказлари билан мустақам алоқалар ўрнатиш, марказларнинг иختисослашуви йўналишлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Мажлисида депутатлар иختисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини сифат жиҳатидан яхшилаш, қонун ҳужжатлари ва унга доир ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш муҳимлигини таъкидлаб ўтишди.

Мажлис ақунига кўра, Қонунчилик палатаси тиббиёт соҳасини ривожлантириш борасидаги долзарб вазифалар батафсил белгиланган тегишли қарор қабул қилди. Ушбу вазифаларнинг ижро этилиши устидан депутатлар томонидан самарали парламент назорати таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ, ФИДОЙИЛИГИ

жамият ривожини, мамлакат тараққиётига хизмат қилади

Юрт равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароит муҳим ўрин тутди. Шу боис мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Биринчи Президентимиз томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги фармон аёлларни ижтимоий ҳимоялашга оид ишларни янада кучайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг илгор гоё ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Айнан шундай сабаб-ҳаракатлар натижасида бугунги кунда Ўзбекистон ёш авлодга замонавий таълим-тарбия бериш, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида дунёнинг етакчи мамлакатлари қаторидан ўрин олиб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳар бир вилоятда аҳоли билан кенг мулоқот олиб бораётгани, хонадонларга кириб,



Фаруқ АЛИЕВ олган сурат.

аёлларимизнинг кундалик ҳаёти, турмуш даражаси, оилалари билан қизиқаётгани, айниқса, 8 март байрами билан хотин-қизларни шахсан ўзи табриклагани, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларига нуфузли мукофотни топширгани бугун Ўзбекистон аёллари қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди.

Табриқда таъкидланганидек, бугунги кунда фақатгина илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида фаолият олиб бораётганларнинг 72 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. 8,5 мингдан

ортиқ опа-сингилларимиз маҳалаларда маслаҳатчи сифатида фаолият олиб бормоқда. Мана шу рақамлар мамлакатимиз ҳаётида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасини таъминлашда аёлларимиз катта куч эканлигидан дарак беради.

Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, биз, аёллар жамиятда мавжуд ижтимоий масалаларнинг ҳал қилинишида, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш масалаларида фаол иштирок этишимиз лозим.

Айниқса, юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш,

фуқаролар ва миллатлар ўртасида ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантириш, қобил ва комил фарзандларни тарбиялаш, уларни турли хил ёт гоёлардан ҳимоя қилиш юртимиз хотин-қизларининг биринчи навбатдаги вазифалари ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатимизнинг фаол аёллари хотин-қизларга оид давлат сиёсатини кенг тарғиб қилиш ишларини янада такомиллаштириш, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, янги гоё ва ташаббусларни илгари суриши зарур.

Қишлоқ аёлларининг оғирини енгил қилиш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиш, мактаб, лицей ва коллежларда таълим олаётган қизларимизга эътиборни янада кучайтиришимиз лозим.


Давлатимиз раҳбари ўз табригида аёллар ва ёшларни тadbиркорликка кенг жалб қилиш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш мақсадида жорий йилда 1 триллион сўм, таълим муассасаларини битириб чиқадиган 10 мингга яқин ёшлар учун 60 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилиши режалаштирилаётганини таъкидлади. Бу рақамлар мамлакатимизда аёллар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ишлар кўламининг нақадар кенглигини кўрсатади.

Бундай улкан режаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ва фаоллари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари олдига ҳам қатор вазифаларни юклайди. Бу жараёнларда электротар манфаатларини ҳимоя қилиш, янги иш ўринлари яратиш, электротар вакилларининг ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, ҳаётини ва хотин-қизларимизга амалда фойдаси тегадиган ташаббуслар билан чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
иқтисод фанлари доктори,
профессор,
ЎзХДП фаоли.

Депутат минбари Ҳаракатлар стратегияси асосида

тиббий хизмат сифати
яхшиланмоқда



HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

Барча соҳадаги ислохотларни чуқурлаштиришда, тараққиётимизни янги босқичга кўтаришда мамлакатимизни 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси бекиёс аҳамият касб этади. Бу муҳим ҳужжат давлатимизни барқарор ривожлантириш бўйича мутлақо янги стратегик ёндашув ва таъминларни амалга оширишни кўзда тутди.

Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда инфратузилмани ривожлантириш масалалари бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Ушбу кенг қамровли дастурда белгиланган вазифалар барчага бирдек манзур бўлди. Жумладан, мамлакатимиздаги 78 туман тиббиёт бирлашмаси, 7 шаҳар ва 2 вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларининг қайта қурилиши, тез тиббий ёрдам хизмати 1200 махсус автотранспорт билан таъминлашни мамлакатимизда инсон манфаатлари олий мезон, деб қаралаётганидан далолатдир.

Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури асосида ҳар бир ҳудудда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Туманимизда кўп тармоқли марказий поликлиника, унинг 7 бўлими ва 19 қишлоқ врачлик пункти мавжуд. Марказий поликлиника Давлат дастурига киритилган ва бу ерда 4,8 миллиард сўмлик реконструкция ишлари жадал олиб боришмоқда. Қишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштириш ҳисобида Дардоқ ва Қўштепа қишлоқларида 1 тадан оилавий поликлиника ташкил этиш юзасидан тегишли ишлар бошлаб юборилди.

Бу оилавий поликлиникаларда аёллар маслаҳатхонаси билан бирга, гинеколог, стоматолог, болалар врачлари, терапевт ва умумий амалиёт шифокорлари хизмат кўрсатади. Улар, шунингдек, рақияли тиббиёт автомобиллари ва туғи наватчи ходимлар билан таъминланади.

Оилавий поликлиниканинг врач ва патронаж ҳамширалари уйма-уй юриб, аҳоли саломатлигини сақлаш ишига сафарбар қилинади. Патронаж ҳамшираларининг меҳнатини баҳолаш тизимини йўлга қўйилиб, яхши кўрсаткичга эга бўлганларнинг ойлик маошига 20 фоиз устама қўшиб бериш амалиёти жорий этилади.

Депутатлик фаолияти ва хизмат тақозоси билан ҳудудларда бўлганимизда, аҳоли тиббий хизмат соҳасида катта ўзгаришлар кутаётгани ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди эди. Чунки туманимизда ўтган йили берилган 1 дон реанимобилдан ташқари барча техника воситалари анча эскириб қолганди. Ҳаракатлар стратегиясида бу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратилгани аини муқддо бўлди, деб уйлайман.

Неъматилло ИСМОИЛОВ,
халқ депутатлари Қўрғонтепа
туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи
аъзоси.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Аҳоли муурожаатлари билан ишлаш, электротар манфаатларини ҳимоялашда партияимиз маҳаллий кенгашлари қошида фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик қабулхоналари муҳим ўрин тутмоқда. Шунинг учун бу тузилмага муурожаат қилувчилар сони йил сайин кўпаймоқда.

Кўчма жамоатчилик қабулхонасида муурожаатлар ўрганилди

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан Жарқўрғон туман партия кенгаши томонидан Кўчма жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди. ЎзХДП Сурхондарё вилоят ва Жарқўрғон туман кенгашлари мутасаддилари, ҳудуддаги корхоналар раҳбарлари, депутатлар, маҳалла фаолларидан иборат ишчи гуруҳи аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ўрганди.

Айтиш керакки, туман Кенгашида партияимиздан сайланган 15 нафар, вилоят Кенгашида эса 2 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Улар ҳудудларда қонунлар ва қарорлар ижроси устидан мунтазам назорат ўрнатиб, одамларни ўйлантираётган муаммоларни бартараф қилишда фаол иштирок этмоқда.

«Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғинидаги мулоқот жараёнида сайловчилар, электротар вакиллари турли масалаларда муурожаат қилишди.

— Ҳудудимизда 4 минг 256 нафар аҳоли истиқомат қилади. 978 та хонадон ва 1 минг 185 оила бор, — дейди «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Ҳожиматов. — Уларнинг бир қисми кўп қаватли уйларида яшайди. Бу жойда сув таъминоти билан боғлиқ муаммо мавжуд. Масалани атрофича ўргандик. Халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгаши депутатлари уни ҳал

этишда амалий ёрдам берадиган бўлди.

— Маҳаллаимизда дорихона йўқ, — дейди Рамия Бектемирова. — Бу аҳолига қийинчилик туғдиришмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси тadbиркорлар билан маслаҳатлашилгани, йилнинг иккинчи ярмида дорихона ташкил этилиши ҳақида маълум қилди.

Ошқора ва самимий руҳда ўтган учрашувда тadbиркорликни йўлга қўйиш, бандлик, ички йўлларни таъмирлаш, газ босими пастлиги, таълим, тиббиёт, ижтимоий тўлов билан боғлиқ муурожаатлар бўлди. Ишчи гуруҳи аъзолари ҳар бир масалани атрофича муҳокама қилишди. Амалий тақлифлар ўртага ташланди.

— Муаммоларни бартараф этишда аввало ўзимиз ўрнатқ бўлишимиз керак, — дейди ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Мавжуда Ҳасанова. — Реал ҳаётни ўрганиш, аниқ натижа учун ишлаш давр талабидир. Бугунги Кўчма жамоатчилик қабулхонасида 20 га яқин муурожаатни ҳал этиш бўйича чора-тадбир белгиланди. Ҳар ойда икки марта жойларда ана шундай қабулларни ўтказиш режалаштирилган.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўқув-семинар



Санжар ШОТЛУГАНОВ олган суратлар.

Электротар вакиллари билан мулоқот муаммолар ечимига хизмат қилади

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан Ҳаракатлар стратегияси, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари фаолиятини кучайтириш мақсадида ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Ана шундай анжуманлардан бири пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ташкил этилди.

«Партия Сайловолди дастури: мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими» мавзусида бўлиб ўтган ўқувда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, Марказий Кенгаш ва Тошкент шаҳар партия кенгаши масъул ходимлари, депутатлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда партия Марказий Кенгаши бўлим мудирини Боймурод Юсупов электротар манфаатларини ҳимоя қилиш партия дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ

этиш, партия гуруҳлари ҳамда ташкилотлари фаолиятини кучайтириш масалалари хусусида сўз юритди. Жойларда ўз ечимини кутаётган муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш бўйича аниқ тақлифлар тайёрлаш ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши муҳокама олиб чиқиш бўйича фикр билдирилди.

Тadbирда, шунингдек, Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Хайдар Бобохонов, депутатлар ҳамда партия фаоллари мавзу юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этди.

Хусусан, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари аъзолари иштирокида электротар манфаатларини ўрганиш бўйича гуруҳлар ташкил этиш, ҳар бир ҳудуддаги муаммоларни ўрганиб, маълумотлар базасини яратиш кераклиги таъкидланди. Партия веб-сайти орқали парламентда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари юзасидан электротар вакиллари билан ўзаро мулоқот йўлга қўйилиши, фуқаролар тақлифларини олиш механизми яратилиши муҳим аҳамиятга эга.

Партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан электрон почта орқали мулоқот тизимини ўрнатиш лозимлиги қайд этилди. Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини тубдан такомиллаштириш масаласи ҳам атрофича муҳокама қилинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Реал ҳаётни ўрганиш, аниқ натижа учун ишлаш давр талабидир.

Халқаро кўргазма

Германия пойтахти Берлин шаҳрида бўлиб ўтган «ITB Berlin — 2017» халқаро туризм кўргазмасида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти кенг намоёиш этилди.

ЎЗБЕКИСТОН
БЕРЛИНДАГИ
ТУРИЗМ
ЯРМАРКАСИДА

Бу кўргазма энг йирик халқаро сайёҳлик анжуманларидан бири бўлиб, бу йил унда 187 мамлакатдан ўн мингдан зиёд фирма ва компания вакиллари иштирок этган. Кўргазмага икки юз мингдан ортиқ киши ташриф буюрган. Мазкур тадбир сайёҳлик саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган бўлиб, унда саёҳат, фаол туризм, спорт туризми ва спорт маҳсулотлари, сайёҳлик ва ахборот технологиялари, ёшлар туризми, экотуризм, маданий сайёҳлик, сайёҳлик бизнеси, круиз каби йўналишларга оид ўнлаб бўлимлар ишлади.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасидан маълум қилишларича, «Messe Berlin» кўргазма мажмуасида ўтказилган анъанавий анжуманда «Ўзбекистон хаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, мамлакатимизнинг «Asia Adventures», «Havas Tour», «Compass Tour», «Registon Travel», «Sitora International», «Carbon Tour», «Olympic Tour Service», «Azimut Samarkand Travel», «Dolores Travel Services», «Euroasia Travel», «Bella Asia», «Oriental Tales» каби қатор сайёҳлик компаниялари ўз хизматларини намоёиш этди. Ярмарка иштирокчилари мамлакатимизда туризм соҳасида яратилган шарт-шароитлар, таклиф этилаётган хизматлар, меҳмонхоналар, сайёҳлик операторлари ва агентлари фаолиятига оид кўплаб маълумотлар билан танишди.

Ушбу нуфузли туризм форумидан ўрин олган «Ўзбекистон» миллий стенди ўзига хос дизайни, миллий безаклари ва мазмунан бойлиги билан кўргазма иштирокчиларининг эътиборини тортди. Мамлакатимизнинг қадимий шаҳарлари, диққатга сазовор жойлари ҳақидаги маълумотлар ва суратларни ўз ичига олган альбомлар, буклет ва нашрлар, халқ амалий санъати намуналари барчада катта таассурот қолдирди. Миллий куй-қўшиқларимиз ва ранг-баранг рақсларимиз ихроси, серкўёш заминида етиштирилган сархил мева-лар ҳамда миллий таомларимиз йиғилганларга гоёат манзур бўлди.

«ITB Berlin — 2017» халқаро кўргазмаси мамлакатимиздаги сайёҳлик хизматларини халқаро туризм бозорларига таклиф этиш, ушбу соҳа вакилларининг чет эллик ҳамкасблари билан ҳамкорлигини кенгайтириш имконини берди.

Кўргазма доирасида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.Шарофов раҳбарлигидаги делегация Германия Бундестагининг туризм ва спорт бўйича қўмитаси, Германия сайёҳлик уюшмаси, Савдо-саноат палатаси каби қатор халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди. Музокаралар давомида сайёҳлик соҳасидаги икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган анжуман ўтказилди. Сайёҳлик соҳаси вакиллари иштирок этган тадбирда туризм соҳасидаги халқаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш истикболлари ҳақида сўз юритилди. Мамлакатимизнинг табиий, тарихий ва маданий мероси, диққатга сазовор жойлари, сайёҳлик соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА МЕҲР-
ОҚИБАТ НАМОЙИШИ

Мамлакатимизда 11-12 март кунлари бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида йигирма икки миллиондан кўпроқ юртдошимиз иштирок этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 28 февралдаги «2017 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида қадимий ва ардоқли байрамимиз Наврўзи оламни муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши асосида март-апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлари деб эълон қилинди. Унинг доирасида 11-12 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Бундан мақсад Наврўз байрамини нишонлашга алоҳида тайёргарлик кўриш, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, мамлакатимизнинг санитария ҳолатини янада яхшилаш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегияси ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишдир.

Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамоат фондидан маълум қилишларича, умумхалқ хайрия ҳашари мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, қишлоқлар, маҳаллалар, ташкилот ва муассасаларда кўтаринки руҳда ўтган.



Хашар кунлари қирқ саккиз минг гектардан зиёд майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилган. Ўттиз икки минг километр ариқ-зовурлар, лотоклар тозаланиб, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилган. Бундан ташқари, хашар кунларида қарийб йигирма икки миллион тул дарахтга шакл берилиб, оқланган. Йигирма тўрт миллион тул мева-ли, манзарали дарахт кўчати, ўн етти миллион тул гул экилган.

Умумхалқ хайрия ҳашари туманимизда ҳам миллий анъаналаримизга мос тарзда ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик руҳида ўтди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бектемир тумани бўлимида раиси ўринбосари Собир Имомов. — Икки кун мобайнида хашар доирасида кўп қаватли уйлар атрофи, маҳаллалар, болалар ўйин майдончалари, кўчалар, йўллар, ариқ-зовурлар тозаланди. Қабристонлар, зиёратгоҳлар, сайлоғлар ободонлаштирилди. Бу ишларда маҳалла аҳолисига талабалар, ўқувчи-ёшлар яқиндан кўмак берди. Миришкор маҳалласи ҳудудидаги боғни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда барча баҳамжихат бўлиб меҳнат қилди. Иқбол маҳалласида намунавий лойиҳа асосида

қурилаётган кўп қаватли уй қурилишида хашарчилар уста-хунармандларга кўмак берди. Бу тадбир халқимиз, айниқса, ёшларнинг миллий анъаналаримизга садоқатини, ободлик, озодаликни юксак қадрлашини яна бир қарра намоён этди.

— Маҳалламиз қўлчиллик соҳасида оилавий тадбиркорлик ривожланган ҳудудлардан биридир, — дейди Наманган тумани «Деҳқон-обод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Музаффар Худойбердиев. — Бугунги кунда йигирмадан кўпроқ хонадонда иссиқхона ташкил этилиб, турфа гул кўчатлари етиштирилмоқда. Ушбу фаолият оилаларга тўқинлик, фаровонлик, юртимизга гўзаллик бахш этмоқда. Умумхалқ хашари мобайнида ободонлаштириш ишлари билан бир қаторда ушбу оилавий тадбиркорларимиз етиштирган гул кўчатларини кўчалар, сув бўйлари, ховли-ларга эдик. Оилавий тадбиркорликнинг бундай йўналишларини ривожлантириш, халқимизнинг яратувчилик ишларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар орасида ҳам оималаштириш доимий эътиборимизда. Шу мақсадда турли танловлар ва тадбирлар ташкил этиш, Наврўз байрамини муносиб нишонлашга қизғин тарафдор қўяймиш.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

Миллий матбуот марказида

Акциядорлик тижорат Халқ банки «Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг устувор вазифалари» мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

ИСТИҚБОЛЛИ
ЛОЙИҲАЛАР
ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Президентимизнинг тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир фармони банкимиз зиммасига ҳам қатор вазифалар юқлаиди, — дейди Халқ банкнинг кредит операциялари департаменти директори ўринбосари Дониёр Акрамов. — Шу боисдан банкимиз ходимлари ҳар бир хонадонга кириб, аҳолининг имконият ва шароитларини чуқур ўрганмоқда. Қолаверса, махсус буклет шаклидаги намунавий бизнес лойиҳалари ҳам тарқатилмоқда. Банкимизга республика-миздаги 1,5 миллионга яқин хонадон бириктирилган бўлиб, ҳозирги вақтга 940 мингдан ортиқ хонадон ўрганилиб чиқилди. 138 мингдан зиёд хонадон эгалари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагини билдирди.

Айни пайтга қадар банк томонидан жами 20893 нафар фуқарога 134,2 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилган. Лойиҳалар асосан қорвачилик, паррандачиликни ривожлантириш, иссиқхоналар ташкил этишга қаратилган.

Бундан ташқари, ўтган йили 2806 нафар тадбиркор аёлга 164,5 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилган.

Матбуот анжуманида банк томонидан амалга оширилиши режалаштирилган истикбол-ли лойиҳалар, келгусидаги асосий йўналишлар бўйича ҳам маълумотлар берилди.

Ўз мухбири.

Пенсия тўловлари

Ўз вақтида молиялаштирилмоқда

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси матбуот анжумани ўтказди. Унда жамғарма фаолиятидаги янгиликлар ҳақида ахборот берилди.

— Сўнгги беш йилда пенсия ва нафақа олувчилар сони йилига ўртача 4 фоиздан ўсиб, бугунги кунда 3 миллион нафардан ортиқни ташкил этмоқда, — дейди Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижрочи директорининг биринчи ўринбосари Маҳмуджон Зиёдуллаев. — Пенсия ва нафақа пулларининг ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг февраль ойи учун талаб қилинган маблағлар 17 февраль кунига қадар тўлиқ молиялаштирилди ҳамда нақд шаклда етказиб берилди.

Жамғарма томонидан пенсия ва нафақаларни олувчи шахслар учун SMS-Pensiya интерактив хизмати ишга туширилди. Ушбу хизмат пенсия ва нафақа тайинлаши, унинг тўлов муддатлари ҳақидаги маълумотларни мобил алоқа воситасида олиш имконини беради.

Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишида қонунчилик нормаларига амал қилиниши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан қатъий назоратга олинган.

Шунингдек, пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан назоратни кўчайтириш мақсадида (1140 қисқа рақамли) «ишонч телефони» жорий қилинган.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга Зиёдуллаев жавоб берилди.

Хорижда ишлаган давр иш стажига қилиб ҳисобга олинадими?

— Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги орқали шартнома тузиб, чет элда ишлаётган, Пенсия жамғармасига ўрнатилган тартибда сўғурта бадаллари тўлаган фуқароларнинг иш стажига ҳисобга олинадими?

Пенсияга чиққан, лекин бирон ташкилот ёки идорада ишлайдиган пенсионер иш ҳақи ва пенсиясини тўлиқ олиши мумкинми?

— Куйидаги тоифадаги ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланади: — уруш ногиронлари ва

қатнашчиларига, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахсларга;

— Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий хизматни ўтаган ёки фронт ортида ишлаган шахсларга;

— I ва II гуруҳ ногиронларига;

— фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг раисларига,

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи пенсионер аёлларга — ёшга доир пенсия олганда;

— Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг барча ходимлари — пенсионерларга.

Бундан ташқари, 2014 йил 1 январидан бошлаб фуқаролик-ҳуқуқий тарзидаги шартномалар бўйича ишлайдиган ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган ёшга доир пенсияларнинг минимал миқдоридан паст даромад (гонорар, мукофот ва бошқалар) оладиган пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланади.

Қолган барча ишловчи пенсионерларга уларга тайинланган пенсиянинг 50 фоизи тўланади.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

Кеча Осиё чемпионлар лигаси мусобақасининг гуруҳ босқич 3-тур учрашувларига старт берилди. Саккизта гуруҳда жамоалар рақибларига қарши майдонга чиқишмоқда.

«БУНЁДКОР»
ТОШКЕНТДА,
«ЛОКОМОТИВ»
ТЕҲРОНДА

имкониятни бой берди

«С» гуруҳида мамлакатимизнинг «Бунёдкор» жамоаси кеча Тошкентда Эроннинг «Зобахан» клубини қабул қилди. Мазкур ўйинга қадар қалдирғочлар иккита турда мағлубиятга учраб гуруҳда охириги ўринда бориш-ётган эди. «Зобахан»га қарши кечган ўйинда ҳам «Бунёдкор» 0:2 ҳисобида мағлуб бўлди. Ўйиннинг 55-дақиқасида Жавлон Мирабдуллаевнинг қўпол хатосидан сўнг Жерри Бенгстон Мурод Зухров билан бирга-бир вазиятга чиқиб, ҳисобни очди.

Орадан 8 дақиқа ўтиб эса Вадим Чемирант «Бунёдкор»ни янада қийин аҳволга солиб қўйди. У рақиб футболчисига нисбатан қўпол ўйнагани учун майдондан четлатилди.

Ўйин сўнггида «Истиклол» ўйинчиси Табризи «Бунёдкор» жарима майдонига кириб келган вақтда йиқитилди ва ҳакам 11 метрлик жарима зарбасини белгиллади. Нуктага яқинлашган Табризи ҳисобни 0:2 га етказди.

Шу тариқа учинчи бор мағлубият аламини тортган «Бунёдкор» гуруҳдан чиқиш имкониятини деярли йўқотди. Улар кейинги турларнинг барчасида галаба қозонган тақдирда ҳам плей-офф масаласи бошқа клубларнинг ўйинига боғлиқ бўлиб қолади.

Мамлакатимизнинг яна бир жамоаси «Локомотив» Эронда «Истиклол» меҳмони бўлди. Мазкур ўйинда теҳронликлар 2:0 ҳисобида зафар қўчди. Учрашувнинг 37-дақиқасида Фаршид Исмоили ҳисобни очди. 84-дақиқада Али Горбани ҳимоячилар ҳатосидан унумли фойдаланиб, ҳисобни оширди — 2:0. Ўйин якунига қадар ушбу натижа сақланиб қолди.

Шундай қилиб «Локомотив» гуруҳ босқичидаги иккинчи мағлубиятини тан олди ва плей-оффга чиқиш имкониятларини пайсантириб юборди.

Гуруҳлардаги қолган учрашувлар бугун ва эртага бўлиб ўтади.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон
Республикаси
Марказий банки
ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 14 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиллади:*)

- 1 АҚШ доллари 3500,01
- 1 ЕВРО 3710,44
- 1 Россия рубли 59,10
- 1 Англия фунт стерлинги 4262,67
- 10 Япония иенаси 305,04
- 1 Исландия кронаси 32,60
- 10 Жанубий Корея вони 30,52
- 1 Кувейт динори 11460,42
- 100 Ливан фунти 232,47
- 1 Малайзия ринггити 747,58
- 1 Норвегия кронаси 407,66
- 1 Хитой юани 506,73
- 1 Сингапур доллари 2480,70
- 1 Швеция кронаси 389,62
- 1 Швейцария франки 3421,20
- 1 БАА дирхами 953,06
- 1 Миср фунти 200,00
- 1 Дания кронаси 503,85
- 1 Австралия доллари 2648,81
- 1 Туркия лираси 935,98
- 1 СДР 4716,23
- 1 Канада доллари 2603,01
- 1 Украина гривнаси 130,55
- 1 Польша злотийси 863,71

*) Валюта қийматини белгиллаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Хашар кунлари қирқ саккиз минг гектардан зиёд майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.



«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали жамоаси

халқимизни баҳор байрами
Наврўзи олам билан табриклайди!

БАҲОРИЙ КАЙФИЯТ ДОИМО ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАРИ!



Хизматлар лицензияланган.

«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»

унитар
корхонаси **ЖАМОАСИ**

ватандошларимизни
НАВРЎЗ БАЙРАМИ
билан муборакбод
этади!



Хизматлар лицензияланган.



«Ўзбекистон темир йўллари»
АЖ тизимидаги

«14-SON BELS RAUVANDLASH
ROYEZDI» UNITAR
KORXONASI ЖАМОАСИ

юртдошларимизни —
Наврўз айёми
билан қутлайди!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 338
17662
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:50
Topshirilgan vaqti — 00:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5 6